

ОХУНЖОН САФАРОВ

БУХОРИЙЛАР
ЁХУД
ЎН ИККИ ЮЛДУЗ
ҲАҚИДА ҚЎШИҚ



ОХУНЖОН САФАРОВ

БУХОРИЙЛАР
ЁХУД
ЎН ИККИ ЮЛДУЗ
ҲАҚИДА ҚЎШИҚ


Тарихий-маърифий публицистик достон

“Бухоро” нашриёти-1999

Икки минг беш юз йиллик ёшини нишонлаётган Бухоройи шарифнинг шуҳратини олам аро ёйган садоқатли фарзандларидир. Уларнинг саноғи шу қадимий ва навқирон шаҳарнинг осмонидаги юлдузлар қадар бешумордир. Достонда шу юлдузларнинг энг ёрқинларидан —она халқи, қолаверса, ҳатто жаҳон қисматида муносиб из қолдирган ўн икки нафари васф этилади. Шоядки бу васфдан ҳозирги авлод ўз аجدодларининг Ватан олдидаги жасоратлари сабоғини уқолса...

Такризчи: Илҳом **ФАНИЕВ**,
филология фанлари доктори

Муҳаррир: Тошпўлат **АХМАД**,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими, шоир.



© "Бухоро" нашриёти 1999 й.

Қўҳна Шарқнинг жавоҳири, тафаккур
шаҳри, қўзимнинг қорағни — Бухоройи
шарифнинг 2500 ва унга шарифликни
шариф этган улуг фарзанди, жаҳон
муҳаддислари сарвари Имом Исмоил ал-
Бухорий таваллудининг 1225
илликларига бағишлайман.

БАҒИШЛОВ

Бухорийлар,
бухорийлар,
бухорийлар—
Мозий билан бўйлашган алп суворийлар.

Бухорийлар тарих аро сингган элдир,
Гоҳо ютган, гоҳо мағлуб бўлган селдир.

Бухорийлар дейилдими—танир жаҳон,
Бухорода жаҳоний бир шуҳрат ниҳон.

Бухорийман!—деса бўлди аҳли Турон,
Тўламайди хорижларда ҳатто ўлпон.¹

Бухорийлар манглайида порлар қуёш,
Бухорий қиз кулиб боқса—бўлар чол ёш.

Бухорийлар жилла ўзбак, жилла тожик,
Хусн аҳлига садоқатманд куллий ошиқ.

Сўзласа гар сўзларидан бол томади,
Ҳар жабҳада юзи ёруғ, зўр омади.

Фикри теран, ақли теран, кўзи теран,
Зикри теран, наҳли теран, сўзи теран.

Ҳикматгўй эл, заҳматкашу ҳунарпеша,
Ҳиммат баланд, хокисору серандиша.

1. Саудия Арабистонида Имом Исмоил ал-Бухорий шарафига унинг ватандошларининг бир қатор солиқлардан озод этилгани кўзда тутилади.

Бухорийлар доноликда донг таратган,
Табобатда оламаро онг яратган.

Бухорийлар эртак айтса—кулар олам,
Ҳофизлари куйласа гар—арийди ғам.

Бухоронинг шашмақоми—жон ороми,
Латифаси—қаҳқаҳанинг янгроқ жоми.

Минг йил турар бухорийлар курган бино,
Биноларки—хайратлардан топган маъно!

Ҳар гиштида кўҳна тарих садоси бор,
Эл дардини сўйлагувчи сазоси бор.

Бухорийлар вужудидан ёғар виқор,
Гарчи дилда минг йилликлар ҳасрати бор.

Бухоро—бу ислом аро Шарқ каъбаси,
Ҳавосида гул нафаси, иймон саси.

Шарифликда шараф топган шаҳри азим,
Эътиқодда кўрғон бўлган шаҳри қадим.

Лек олинган хоки қалъа нарисидан,
Султонлари ўзга қавмдан—берисидан.

Замонларни улаб кечди замонларга,
Жаҳонларни ошиб ўтди жаҳонларга.

Бухорийлар—Бухоронинг виждонлари,
Шу оламнинг қора кўзу мижгонлари.

Ҳар бир марди олам танир бир авлиё,
Ҳар аёли садоқатга маъбуд гўё.

Баҳор дейми бухорийлар дилларини,
Анҳор дейми сурур сўйлар тилларини.

Бухорийлар бу оламда бор бўлсинлар,
Қисматларга эш бўлсинлар, ёр бўлсинлар.

Бухорийлар,
бухорийлар,
бухорийлар,
Тарих юкин елкалаган суворийлар.

БИРИНЧИ ҚЎШИҚ

ТУРКОН ХОТУН

“Бидун Бухорхудот ўлган вақтда ундан бир эмадиган ўғил бола қолди: унинг номи Тағшода эди. Боланинг онаси бўлган хотун тахтга ўтирди ва ўн беш йил ҳукмронлик қилди. Унинг давридан араблар Бухорога кела бошладилар; ҳар гал келганларида хотун улар билан сулҳ тузар ва мол берар эди. Айтишларича, унинг даврида ундан кўра донороқ бирорта ҳам киши бўлмаган; у донолик билан ҳукмронлик қилар ва халқ унга итоатда эди”.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий.

1

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
Қалби нурга қалққан хотун,
Бухорога оро бериб,
Юрт бошига балққан хотун.

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
Бухорога посбон хотун,
Тахтда ўн беш йил ўлтириб,
Мулқда сурган даврон хотун.

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
Вафоси минг дoston хотун,
Ақли теран, аҳди бутун,
Бокираю покон хотун.

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
Фаросатли, фoром хотун,
Ишвалари ўртагай жон,
Боқишлари ором хотун.

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
Шижоатли, шодон хотун,
Сиёсатда тадбиркору
Орзулари осмон хотун.

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
Андишали, сайрон хотун,
Минг ташвишу азобларга,
Бардошли паҳлавон хотун.

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
Ширин сўзли жонон хотун,
Товланса гар меҳри кимга—
Садақаси жаҳон хотун.

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
Тилгинаси бийрон хотун,
Арабнинг ҳар босқинидан,
Гоҳ чўккан, гоҳ гирён хотун.

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
Ваҳмга тик боққан хотун.
Аёл бошин эгмай туриб,
Ёғий кўксин ёққан хотун.

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
Дийдаси тош қотган хотун.
Ғанимига шафқат билмас,
Тиғидан қон томган хотун.

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
Субутида султон хотун.
Юрт ғамида афғон чекиб,
Эли бирла қулган хотун.

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
“Кўланкаси майдон хотун”¹
Ёв хуркитар савлати бор,
Ўйловлари—жайрон хотун.

Туркон хотун—ҳоқон хотун,
Тиллашишда қордон хотун.
Туркий деган бир муаззам,
Қарвонга бош сорбон хотун.

1. Халқнинг “Сус(т) хотун” кўшиғидан мисра.

Туркон хотун—ҳокон хотун,
Улусига виждон хотун.
Номуси—юрт орияти,
Юртга тиккани—жон хотун.

II

ТУРКОН ХОТУН ИЛТИЖОСИ:

—Содиқман аҳдимга, ишқимга, сўзимга,
Хажрингда ўртаниб келолмам ўзимга,
Тўзим бер жонимга, тўзим бер, Бидуним,
Қорачиғ этганман ўзингни кўзимга.

Содиқман кўтарган туғинга, Бидуним,
Бўйнимга юклоглик юкинга, Бидуним.
Салтанат—чўғ экан, куйдирар жонимни,
Саботим тикарман чўғинга, Бидуним.

Маҳраим—Тағшоданг, нишонанг, Бидуним,
Мунчалар тош экан пешонанг, Бидуним,
Маломат захмидан эзилди қалбим-эй,
Ва лек пок сақлагум кошонанг, Бидуним.

Сабот бер, ёғийдан олайн ўчингни,
Шитоб бер, ёғийга кўрсатай кучимни.
Қанот бер, учайин юрт узра Ҳумодай,
Муқаддас сақлабон кўшкингни—кўчингни.

Босқинни қўймади, қўймади араблар,
Ҳолимга куймади, куймади араблар.
Зиёду¹, ибн Усмон², Муслимлар³ бўлибон,
Қонимга тўймади, тўймади араблар.

1. Убайдуллоҳ ибн Зиёд 673 йилда Бухорога бостириб кирган араб истилочилари сардори. У 4 минг бухороликни асир қилиб олиб кетган.

2. Саъид ибн Усмон 676 йилда Бухорога иккинчи босқинни уюштирган араб истилочилари амири.

3. Муслим ибн Зиёд Абийҳ Бухорога учинчи босқинни уюштирган араб истилочилари саркардаси. Арабларда отаси номаълум киши Абийҳ дейилади.

Бирови зўрлик-ла олар зар, пулимни,
Бирови уялмай сўрайди кўлимни.
Бирови—ялтоқи, лоф урар хуснимдан,
Ниятга етмагур, кутавер ўлимни.

Ибн Усмон истарки, чиқайин саломга,
Абдуллоҳ¹ қистарки, кўнайин талонга.
Кўзлари курсин-ей, қон тўлган қип-қизил,
Не қилай, Бидуним айтгин ман нодонга.

Гаровга сўрашди саксонта ўғлонни,²
Саксонта алп йигит—саксонта шўр жонни,
Сўзида турмади субутсиз ибн Усмон,
Юртидан айирди саксонта гўр жонни.

Саксон тирик жон... Оҳ!... Қанча товонингиз?
Юрт эркига гаров бўлдимиз жонингиз?
Сизлар ардоқлаган чин қаҳрамонимиз,
Эл бўлсин садқангиз, ўзим қурбонингиз.

Тўзим бер, Қуёшим, бардош бер элимга,
Бухоро тинч, омон—шу таскин дилимга.
Таландик ва лекин эркимиз омондир,
Шундан-да улуғроқ сўз келмас тилимга.

Юрт эркидан улуғ тагин не бор ахир!
Юрт мутеъ бўлса гар, не тотсанг—ул тахир.
Шукрона айтаман, қолди-ку—юртгинам,
Озод ва музаффар, шу таскин, шу фахр!

1. Абдуллоҳ Ҳозим Саъид ибн Усмоннинг шафқатсиз лашкарбошиларидан, қип-қизил тусда бўлганидан ва бошининг бекиёс катталигидан ўта важоҳатли кўринган. Яна чодерида гулхан ёқиб, олов тафтидан кўзларини қизартириб, ваҳимали қиёфада Туркон хотунга кўриниб, уни қўрқитган.

2. Саъид ибн Усмон бухоролик 80 нафар маликзодани гаровга олиб, сўнгра турли баҳоналар билан уларни қайтармай ўз юртига олиб кетган. Бу ҳам етмаганидай, уларнинг шоҳона уст-бошларини ечиб олиб, жулдур кийимлар кийдирган ва қора ишга солган. Бундан норозилиги ошган маликзодалар пайт пойлашиб, Саъид ибн Усмон саройига бостириб кирганлар ва уни ўлдириб ўзларини ҳам ўлимга топширганлар.

III

Туркон хотун—хоқон хотун,
Хур Ватани—иймон хотун.
Сақлай дебон юртни омон,
Жон-жаҳони сарсон хотун.

Зўр дастидан қақшаб гоҳо,
Бўлса-да мусулмон хотун.
Оташпараст эътиқоди
Жон-жонида ниҳон хотун.

Бухоро деб минг бор ўлиб,
Минг бора тирилган хотун.
Эл дилида мозий аро,
Армон бўлиб қолган хотун.

Эл дилида мотамсаро,
Ҳижрон бўлиб қолган хотун.
Эл дилида эрк даъвати—
Фармон бўлиб ётган хотун.

Туркон хотун—хоқон хотун,
Хур Ватани—иймон хотун.

ИККИНЧИ ҚУШИҚ

ИМОМ ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ (809-870)

“Мен бир минг саксонта муҳаддисдан ҳадис эшитдим. Уларнинг ҳаммалари: “Имон—сўз ва амалдан иборатдир” деган эътиқоддаги кишилар эдилар”.

Имом Исмоил ал-Бухорий.

* * *

“Имом Бухорийнинг “Ал-Жомеъ Ал-Саҳиҳ”ларини ўзларидан тўқсон минг киши эшитган”.

Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фирабрий.

* * *

“Имом Бухорийнинг Бағдоддалик вақтларидаги тадрис ҳалқалари (дарс тўғараклари)га мен ҳам қатнашардим. Шунда ҳалқада йигирма мингдан ортиқроқ талаба ҳозир бўлар эди”.

Абу Али Солиҳ ибн Муҳаммад ал-Бағдодий.

1

Қодир худо номин дилга жо айлаб,
Шаҳодат каломин тилга во айлаб,
Ошиқлик дардини ҳувайдо айлаб.
Ҳидоят нурига чулғанган инсон.

Оллоҳ элчисига элчилик қилиб,
Оллоҳ элчисига тилчилик қилиб,
Териб каломини нур, шариф билиб,
Иноят йўлига фидо этган жон.

Қайда янги ҳадис бор эса, йўртиб—
Бориб ёзиб олди кўзига суртиб,
Фафлатни қувлади ҳадис-ла туртиб,
Шижоат баҳсида ғолиби даврон.

Қалбида, ақлида нур сочди ҳадис,
"Ҳадис"ни ёзмокқа ул бўлди холис,
Ундан-да иймонин бут қилди улус,
"Ҳадис" сабоғидан покланган виждон.

Ҳадис—Расулulloҳ сўзи, ояти,
Иймон зухур топган қалб ҳикояти,
Сўз билан амалнинг чин ҳидояти,
Шариат мулкини ёритган унвон.

Илоҳий ҳикматни солибон дилга,
Илоҳий ҳикматни ёйибон элга,
Илоҳий ҳикматдан сўз олиб тилга—
Исломий низомни айлаган дoston.

Ҳадис ёдлаш—унинг жону жаҳони,
Ҳадис ёзиш—унинг касби, имкони,
Ҳадис илми—унинг зўр имтиҳони,
Саодат аршича юксалган инсон.

II

ИМOM ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИ ШУКРОНАСИ:

—Эркинг қайтди, шуқрулиллоҳ, она юртим,
Мен ҳам қайтдим, шуқрилиллоҳ, бағрингга.
Азиз хокинг ўпиб эдим кўзга суртиб,
Бахтинг балқиб, шодлик инди бахрингга.

Саховатинг, шуқур, менга камол берди,
Ҳароратинг, шуқур, нафсга завол берди,
Ажаб зеҳну муносиб хатти хол берди,
Шуқрулиллоҳ, сўниб кетди менда итоб.

Ҳадис излаб юртлар кездим пой-пиёда,
Чин сўз излаб тинмадим ҳеч сой-қиёда,
Ундан шариф сўз топмадим бу дунёда,
Шуқрулиллоҳ, дилингда соз урмиш хитоб.

Мадинани тавоф этдим, шукрулиллоҳ,
Макка ишқин дилга солмиш ўзи Оллоҳ,
Ўзинг ёрсан, мададкорсан, ё раббано,
Шукрулиллоҳ, уйғонибсан, қочириб хоб.

Минг жафога жоним тикиб йиғдим ҳадис,
Олти юз минг ҳадисни ёд олдим холис,
Саҳиҳини танлаб битиг туздим—нафис,
Шукрулиллоҳ, қўлингда шул нурли китоб.

Халқа тузиб йигирма минг талабадан,
Тадрис айтдим ҳадислардан, ғалабадан.
Бўлсин дебон аждодларим чўнг сарбаланд,
Шукрулиллоҳ, йўлингда нур сочар офтоб.

Синадилар, бўтам, мени ҳар қадамда,
Панд бермади хотирам ҳам синов дамда.
Синовчилар ўзи бўлди кўп шарманда,
Шукрулиллоҳ, сендан ёғар нури шароб.

Эллар кезиб ўз юртимга сизмадим, оҳ,
Шул қисматни ғаним топмиш менга раво.
Бошим олиб излаб кетдим ўзга маъво,
Шукрулиллоҳ, бугун юртда ўзга шитоб.

Қатағонди маним номим, ҳам китобим,
Қатағонди азиз тангрим, ҳам савобим,
Оёқости эди иймон, ҳам тавофим,
Шукрулиллоҳ, бўлдинг яна сен баҳраёб.

Эркинг қайтди, шукрулиллоҳ, она юртим,
Мен ҳам қайтдим, шукрулиллоҳ, бағрингга.
Азиз хокинг ўпиб эдим кўзга суртиб,
Бахтинг балқиб, шодлик инди баҳрингга.

УЧИНЧИ ҚУШИҚ

ИСМОИЛ СОМОНИЙ

(874-907 йилларда, жами 31 йил Бухорода
салтанат сурган)

“...амир бўлган ҳар бир киши деворни тузаттириб, сақлаб турар ва шу сабабли Бухоро аҳолисига кўп харажат тушар, ҳар йили кўп пул сарфлашга ва жуда кўп ҳашар ташкил қилишга тўғри желар эди. Охири раҳматли амир Исмоил Сомоний халқни (бу қийинчиликни тортишдан) озод қилди ва девор ҳам хароб бўлди. Амир: “То мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан”, — деди ва устига олган бу вазифани тўла бажарди; у доимо жа:гларда ўзи қатнашди ва Бухоро вилояти устидан душманларнинг зафар топишларига йўл қўймади”.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий.

“...Исмоил шундай бир давлат барпо қилдики, бу давлат ўша вақтдаги Шарқнинг энг йирик давлатларидан бири эди”.

А.Ю.ЯКУБОВСКИЙ.

1

Тарих—кечар замон ичра чўнг пиллапоя,
Тарих—ўтар даврон аро ҳаками ҳозиқ.
Тарих сўнгсиз сабоқлардан битилган гоё,
Сарҳисоблар мазмунида жамланган ёзуқ.

Бухоронинг ҳар кўчаси тарих сўзлагай,
Работларин ҳар гиштида тарих бўзлагай.
Асрдида минораси мозий қаъридан
Замонларни ёритгувчи тонгни кўзлагай.

Тонглар отар, шомлар ботар—дунё ўткинчи,
Гар кечага айланса кун—саналгай ўтмиш.
Сулоалар келди-кетди салтанат суриб,
Сомонийлар вале айри бир мавқе тутмиш.

Бухорони пойтахт этди мамлакатига,
Жаҳоноро шухратини қилишди пойдор.
Тарих билан бўй ўлчаган шу шаҳри шариф
Топди мангу олам аро фахру эътибор.

Зўр салтанат тузди тенгсиз бу очун аро,
Ўз тилида сўйлади эл, қилиб шукрона.
Араб зулми тааддиси топди интиҳо,
Эрк васлида куйлади эл ёна ва ёна.

Ислом динин қувватига айланди буткул
Ва иккинчи Каъба янглиғ сингди дилларга.
Илму фунун рағбат билан гуллади шитоб,
Рудакийнинг қўшиғида тушди тилларга.

Мўлиёндан эсган сабо кезар жаҳонни,
Буюк Сино тафаккури билмас хазонни.
Сомонийлар салтанатин унутмас тарих
Ва Наршахий нақлин қилган боқий замонни.

Тарих—кечар замон ичра чўнг пиллапоя,
Тарих—ўтар даврон аро ҳаками ҳозиқ.
Тарих сўнгсиз сабоқлардан битилган ғоя,
Сарҳисоблар мазмунида жамланган ёзуқ.

II

ИСМОИЛ ИБН АҲМАД АС-СОМОНИЙ ҚАСАМЁДИ:

—Эй Бухоро, ёғийларга таландинг бисёр,
Қўлдан-қўлга ўтиб роса вайрона бўлдинг.
Талончилар оларини олди армонсиз,
Хор қилинган улусимга ғамхона бўлдинг.

Ёқиб кулинг совурдилар қайта ва қайта,
Қақнус мисол кул тагидан чўздинг бўйингни.
Ҳиммат этиб оллоҳ ўзи чўммиш нурига,
Бир ёғдуки—кўкка ўрлаб чулғар рўйингни.

Етти мулкда номинг бўлди куббатул-ул-ислом,
Етти мулкка фарзандларинг ёйди довруғинг.
Етти мулкда ҳадис айтди Имом Бухорий,
Етти мулкни чарақлатди зако-ёруғинг.

Шундан сени пойтахт этдим мулки Туронга,
Хурлик аро хур тахт этдим мулки Туронга.
Ғуборингни кўзга суриб қилдим тўтиё,
Ёрлақанган зўр бахт этдим мулки Туронга.

Қайда бўлма соғинчинг-ла яшадим зор-зор,
Бир соғинчки—тугатолмас Рудакий куйлаб.
Адашган чоғ ўтинчинг-ла яшадим зинҳор,
Жоним гаров, молим гаров—тинчингни ўйлаб.

Бухорийлар мадориман, токи тирикман,
Ёғийларнинг озориман, токи тирикман.
Ким бу юртга кўзин тикса, кўрсин ўзидан,
Бухоронинг девориман, токи тирикман.

Эй Бухоро, борлиғимсан, борлиғинг аро—
Қисматингман—тирикманми ва ҳатто ўлиб.
Рост, оламда ҳали ҳеч ким устун бўлмаган,
Вале қолғум тарихингда бир устун бўлиб.

ТҮРТИНЧИ ҚҶШИҚ

АБУ БАКР АН-НАРШАХИЙ (899-960)

“Бухоро тарихи”ни Ўрта Осиёнинг ерли халқлари томонидан қачонлардир ёзилиб, энди ўтмиш асрлар саҳифаларини ёритиш учун хизмат қилиб келаётган нодир ёзма ёдгорликларнинг энг қадимийларидан биридир дейилса, хато қилинмаган бўлади. Дарҳақиқат, бундан 1000 йил муқаддам Ўрта Осиёнинг ўзида, ўз фарзанди қўли билан ёзилиб, тугал бир асар ҳолига бизнинг кунларгача етиб келган бошқа тарихий манба ҳозир бизга маълум эмас. Шунинг учун ҳам “Бухоро тарихи”ни Ўрта Осиё халқлари тарихнавислик фанидаги энг дастлабки асарлардан бири ҳисоблайдилар”.

Асомиддин ЎРИНБОЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

“Наршахий номи билан боғланувчи “Бухоро тарихи” ... (кенг маънода айтиш мумкинки), Марказий Осиёдаги энг муҳим иқтисодий ва маданий марказлардан бирининг ўзига хос тарихий қомусидир”.

Б.В.ЛУНИН,
тарих фанлари доктори, профессор.

1

Наршаҳда туғилган қишлоқи бола,
“Бухоро тарихи”н битарми бир кун?
Тарих пештоқиға номин зарб этиб,
Қўксини тоғ қилиб кетарми бир кун?

Наршаҳни билмасди бу аҳли олам,
Билдирди борлигин Наршахий бўлиб.
Наршаҳни билмасди бу аҳли қалам,
Билдирди тарихнинг гувоҳи бўлиб.

Тарихдан сўзлади нуроний бир чол,
Ҳар тошу гиёҳда Ватанни кўрди.
Сўздан сўз ахтарди мисқол-бамисқол,
Тарих сабоғидан маънолар сўрди.

Хотира ҳикматин излади тинмай,
Гоҳ топди, гоҳ топмай овора сарсон.
Авлодлар руҳини тиклаб минордай,
Бир тарих яратди ойнаи замон.

Шаҳар майдонида тик турар минор—
Бўй чўзган кўк қадар—олам зийнати.
Тарих ғазнасида Наршахий баста—
Далиллар ҳашмати—тарих тийнати.

Элнинг ғурурини тарихда туйди,
Элнинг сурурини тарихда туйди.
Тарихдан сўйламоқ—лаzzати жони,
Тарих дея ёнди, тарих деб куйди.

Тарих ҳақиқатин кашф этмоқ учун
Битигларни титди кўз нурун тўкиб.
Сарҳадларни кезди далиллар излаб,
Ватан тарихининг тубида чўкиб.

Бир тарих яратди—Ватан тарихи,
Ватан шарафидан битилган оят.
Бир тарих яратди—Ватан тарихи,
Аждодлар қисматин қилар ҳикоят.

Бухорони севди, унга меҳрини
Иймондай эъзозлаб тугди дилига.
Тарихга айланди бугун ўзи ҳам,
Чин тарих қолдирди эли қўлида.

II

АБУ БАКР АН-НАРШАХИЙНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХЧИЛАР БИЛАН МУСОҲАБАСИ:

—Аё тарихчи зурёдим, тарих сўйлашда яктосан,
Кўриб заррада уқёнус, ани ўйлашда яктосан.
Башарнинг хотиротини битиб тарих китобига
Замонларни замонларга тикиб бўйлашда яктосан.



Фаромуш этмайин ёдим қилурсан дам-бадам, қуллуқ,
Маним ҳам сўзларимни сўз билурсан дам-бадам, қуллуқ.
“Бухоро тарихи”н севиб, неча сўз сўйлаган эрдим,
Сўзим сўзишларин англаб қулурсан дам-бадам, қуллуқ.

Бухоройи шариф шаҳрим, ажаб зебо зариф шаҳрим,
Муслмон мулкини нури ёритган чун қуёш шаҳрим.
Тўрт минг йиллик кечмиши юз минг асрорга гувоҳ шаҳрим,
Яна невчун унинг ёшин қилибсан мунча ёш, бағрим?

Нима бу? Иштиҳобми? Ё менга санги маломатми?
Нима бу? Иштиҳобми? Ё менга радди далолатми?
Маним айтганларимга гар ишонмассан, не ҳам дердим,
Нима бу? Иштиҳобми? Ё менга ҳадди саловатми?

Мен ҳам шу ёшни айтмоққа азизларга суянганман,
Қадимий зўр битигларнинг ғубориға бўянганман.
Фасона иқтибосларни мен ҳам бунга шафеъ туйдим,
Улуснинг хотиротиға тағин минг бор тўйинганман.

Азизлар кифтида туриб оёқ босдим, хаёл сурдим,
Азизлар кўрганин кўриб ўзим чандон синаб кўрдим.
Вале йўқ эрди бул дамлар далили туби хок излаш,
Шу юртимнинг жаҳоноро шарафин худписанд кўрдим.

Фасона зери борида ҳақиқат борлигин уқдим,
Сен эрсанг бул ақоидни ўқиб ғоянгни ўстирдинг.
Бу не ғоя, бу не асрор, ки сен ўзинг ишонмассан,
Магар зидди қараш айлаб, ўзинг ғоянгни тўздирдинг.

Туғилган она-шаҳримнинг ёшин на мунча ёш туйдинг,
Фунжор¹ шохидлигини ҳам назарга илмайин қўйдинг.
Не-не асрий далилларни замин остиндаги сувлар
Чиритганин-иритганин наҳотки унутиб қўйдинг?

1. Фунжор—Наршахидан илгари “Бухоро тарихи” китобини ёзган улуг муаррих. Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Бухорий бўлиб, 412-ҳижрий (1021 мелодий) йилда Бухорода вафот этган. Лекин китобининг қисмати номаълум.

Келар вақти, топилгай ҳам, худо хоҳлар дам ўқирсан,
Бухоро алп ҳоқонларин фиръавн билан ёзишмасин.
Шунда Бухоро ёши ҳам саналгайдир етти минг йил,
Ўшанда аждодлар нетиб қабримизни бузишмасин.

Шундан маним жоним ҳалак, шундан-да қалбимда озор,
Шундан ўйларим ёзмас барг, фикримда инган чанг, ғубор.
Аё тарихчи зурёдим; гинамдан сен қовоқ ўйма,
Унутма, бўлгайман ўзим бардошингга чин мададкор.

III

Бухорони кўрди азиз жонидай,
Унинг тарихини тўлиб сўйлади.
Тарихга айланди бугун ўзи ҳам,
Вале мангуликка ўзин бўйлади.

БЕШИНЧИ ҚУШИҚ

АБУ АЛИ ИБН СИНО (980-1037)

Бузург гаштаму майдони васеъ нест маро,
Фузуд қиммати ман, муштариист нолайдо...

Абу Али ибн Сино.

“Кимки “Қонун”нинг биринчи жилдини ўрганиб чиқса, унинг учун табобат илмининг асослари ва умумий масалаларидан бирор нарса яширин қолмайди, чунки агар Букрот (Гиппократ) ва Жолинус (Гален) тирилиб қолсалар, бу китоб олдида сажда қилишлари лозим бўларди”.

Низомий Арузий Самарқандий, XII аср.

“Бегоналарни қўллаб ҳақ бўлгунча, Ибн Синони қувватлаб ноҳақ бўлган яхши”.

Микеланжело, XVI аср.

“Ибн Сино—инсониятнинг илк ақлу заковатидир”.

А.Гуашон, XX аср.

“Ибн Сино силсилавий чўққилар ҳалқасини ўтли нафаси билан таъминлаб турган кўзга илинмас ер остидаги аланга масканидир”.

Е.Бертельс, XX аср.

I

Табобат илмининг соҳибқирони,
Адолат илмининг шоҳижаҳони,
Садоқат илмининг марди майдони,
Муҳаббат илмининг меҳри тобони—
Бухоро ўғлони—Бу Али Сино.

Юртингни севсанг-да, сигмадинг ўзинг,
Оламини сигдирди дилингга кўзинг.
Даҳонг-ла ёритдинг ақлу шуурни,
Элингга бердинг сен тенгсиз гурурни—
Бухоро ўғлони—Бу Али Сино.

Хоразму Абивард, Аҳамни кездинг,
Йўл босдинг сарсари, "Қонун"ни туздинг.
Ҳаловат билмадинг, ўзингдан кечдинг,
Ажалдан ўзгасин жумбоғин ечдинг—
Бухоро ўғлони—Бу Али Сино.

"Қонун"инг ҳайратдан битилган офтоб,
"Шифо"йинг қалбларни яйратган шитоб.
"Инсоф"инг чин йўлга чорловчи савоб,
Сен ўзинг очунда нурли бир китоб—
Бухоро ўғлони—Бу Али Сино.

Замонлар кечса-да, писанд қилмадинг,
Жаҳонлар кучса-да, кўзга илмадинг.
Эзилдинг кўрганда ёмонларни сен.
Аритдинг минг-минглаб армонларни сен—
Бухоро ўғлони—Бу Али Сино.

Ҳақимлар ҳақими, шайх-ур-раиси,
Ҳақамлар ҳақами, зеби мажлиси.
Фозиллар сарвари, сўзи ўтлиси,
Аждодлар олдида мангу қутлиси—
Бухоро ўғлони—Бу Али Сино.

II

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ АҲДУ-ҚАРОРИ:

—Замон камситди мени,
Ўқсиб ўтдим замондан.
Даврон камситди мени,
Ўқсиб ўтдим даврондан.
Умрим қувғинда ўтди,
Юртлар кездим сарсари.

Гоҳо туткунда ютдим—
Алам деганин барин.
Замоң билан олишдим,
Даврон билан олишдим.

Ёлғон камситди мени,
Ўксиб ўтдим ёлғондан.
Нодон камситди мени,
Ўксиб ўтдим нодондан.
Жаҳолатдан эзилдим,
Жохил билан солишдим.
Қабоҳатдан эзилдим,
Ботил билан солишдим.
Ёлғон билан олишдим,
Нодон билан олишдим.

Қаллоб алдади мени,
Халлоққа солдим уни.
Жаллоб алдади мени,
Халлоққа солдим уни.
Учмадим игволарга,
Игвогарни этдим зам¹.
Учмадим баччағарга,
Унинг бўйнини этдим хам.
Қаллоб билан олишдим,
Жаллоб билан олишдим.

Нима кўп бу очунда—
Дардлилар кўп, дардлар кўп.
Нима кўп бу очунда—
Риёлар кўп, марглар кўп,
Гоҳ хорланиб адолат,
Хўп авжланди залолат.
Гоҳ хорланиб ҳақиқат,
Зап мавжланди ҳамоқат.
Дардлар билан олишдим,
Марглар билан олишдим.

1. Зеризабун, фош.

Ҳар неки бор дунёда—
Унда мен ҳаёт туйдим.
Бош кўтарган гиёҳда
Сурури сабот туйдим.
Меҳрга чанқаб ўтдим,
Аямадим ўзимни.
Муҳтожлар қўлин тутдим,
Аямадим тузимни.
Ҳаёт билан олишдим,
Сабот билан олишдим.

Мен элим деб ёндим
Танламадим сира эл.
Мен тилим деб ёндим
Дастин берди ўзга тил.
Аъробийда сўз битдим,
Сўзладим форсий калом.
Туркий манам аждодим,
Барига дейман:—Салом!
Элим, дея олишдим,
Тилим, дея олишдим.

Замон билан олишсам,
Елкалаб олди даврон.
Даврон билан олишсам,
Жаҳонга солди замон.
Минг йилдан ошибдики,
Жаҳон манам измимда.
Замонга сингдим-да ман,
Замонга сурур бўлдим.
Жаҳонга сингдим-да ман,
Жаҳоний ғурур бўлдим.
Олдда янги минг йиллик,
Ташвишлари минг хиллик.
Унда ҳам яшагим бор,
Шу аҳдим—қатъий қарор!

ОЛТИНЧИ ҚУШИҚ

МАҲМУД ТОРОБИЙ

“...Маҳмуд Торобий қўзғолони том маъноси билан халқ ҳаракати...”

А.Ю.Якубовский.

* * *

“...Қўзғолон раҳбари тороблик Маҳмуд элак тўқувчиларнинг пешқадами эди. У Тороб кўчаларида, унинг атрофидаги қишлоқларда ғазабли нутқлар сўзлар, оммани истилочилар ва уларнинг тарафдорларига қарши курашга даъват этар эди”.

Академик Б.Фафуров.

* * *

“...Амирлар ва босқоқлар... бу тўғрида Хўжандга Маҳмуд Ялавочга хабар йўллашди. Ялавоч Торобийни чақириб, йўлда ўлдириб юборишни мўлжаллади. Шу ниятда унинг ҳузурига бир қанча мўғул саркардаларини йўллади. Бироқ Маҳмуд уларнинг маккорликларини тушуниб фош этади”.

“Ўзбекистон халқлари тарихи”.

1 жилд. Тошкент. “Фан”, 1992, 146-147-бет.

1

Ҳар бир юртда топилар ағёр,
Эл эркини суймаган ғаним.
Ҳузур қилар етказса озор
Ва топтаса ўз элин шаънин.

Ҳар бир элда топилар хоин,
Дунё ҳирси басир этган жон.
Талаш касбин этишиб ойин
Ҳар қадамда қўмсагани қон.

Сотқинлар кўп кўҳна дунёда,
Ялавочдай маккорлари кам.
Во аламо, шулар дастидан
Мозий саҳни саҳфа-саҳфа ғам.

Вале тарих—ботирлар мулки,
Ботирли юрт кўрмас ҳеч хазон.
Торобийлар жасорати—қут,
Эл фахрига айланган мезон.

II

**АДАШЛИГИДАН НАФСОНИЯТИ КЎЗГАГАН
ХАЛҚ ИСЁНКОРИ МАҲМУД ТОРОБИЙНИНГ
СОТҚИН МАҲМУД ЯЛАВОЧГА
ТАЪНАЛАРИ:**

—Ҳей, Ялавоч, биларсан-ку оллоҳ амрин:
Улга¹ ота мерос бўлар яхши исм.
Аслида бу шунчаки бир мукофотмас,
Муносиблик—унга зийнат, қарз бир русум.

Қани айт-чи, қай биримиз муносиброқ,
Ота мерос шу табаррук отимизга?
Сен ҳам Маҳмуд, мен Маҳмуд, во дариго,
Қай биримиз иснод босдик зотимизга?

Сенми, менми-қай биримиз юртни сотдик?
Қай биримиз эл кўксига ханжар урдик?
Тузликқа-чи, қай биримиз тупурдик, айт,
Қай биримиз қонлар тўкиб даврон сурдик?

Сийму зарга ўчлигингни ҳеч қўймадинг,
Хирсу ҳавас сафосига ҳеч тўймадинг.
Чингизийлар ялоғини ялаб тоза,
Касофатга ботганингга ҳеч қўймадинг.

Қандай кўндинг Чингизхонга хуфяликка,
Хоразмшоҳга асли хуфя бўла туриб?
Юзинг борми энди элга қарагани,
Риё сотиб олдингми ё дунё кўриб?

Тилимиз бир, ёғий тилин афзал билдинг,
Динимиз бир, ўзга динга мойил бўлдинг.

1. Ўғилга.

Элимиз бир, ўзга элга энди ёрсан,
Юртимиз бир, юртни сотиб бахтиёрсан.

Номусингни, виждонингни сотдингми, айт,
Субутингни, паймонингни сотдингми, айт.
Инсофингни, иймонингни сотдингми, айт,
Тобутингни, айвонингни сотдингми, айт.

Сотилдинг-у Хонбалиққа² султон бўлдинг,
Вале асли хиёнатга ултон бўлдинг.
Элни топтаб, юртни топтаб шарафландинг,
Ёғий билан тил олишган мўлтон бўлдинг.

Хиёнатга номинг бугун қора тимсол,
Сотқинликка шонинг бугун қонли аъмол.
Эҳ Ялавоч, дунё кўриб тўймаган жон,
Эл бошига маломатсан энди қаттол.

Ялавочга нисбат бўлса ҳар гал Маҳмуд,
Надоматга айланар-да, дилга ботар.
Торобийни англатса гар эл дилида,
Билки мудроқ шижоатни чил қўзғотар.

Ҳа, билиб қўй, ўтса ҳамки не замонлар,
Ўчмагай ҳеч сенга ўтли қасос, ўчим.
Сен-ку малай, эркин бўғса қай бир ғаним,
Ўшанда ҳам тик қалқаман халқим учун.

Бу очунда ҳали не-не Маҳмуд отлиғ,
Мардлар келиб кетишади йиғлаб, кулиб.
Вале улар ор қилишар Ялавочдан,
Торобийдай яшамоқни гурур билиб!

1. Маҳмуд-мақталган, мақтовга сазовор, маъкул маъноларини англатади. Бу ўринда Ялавочга писанда қилинаяпти.

2. Пекин шахрининг қадимий номи. Чингизийларга садоқати учун ўз юртига сотқинлик қилган Маҳмуд Ялавочни Ўғодой Пекинга губернатор этиб тайинлаган, у 1254 йилда ўша ерда ўлган.

ЕТТИНЧИ ҚҶШИҚ ТЕГИНА БЕГИМ МОҲ

“...Тегина бегим моҳни вазии ҳамали етиб, ҷаҳоршанба кечаси, шаъбоннинг бешида, сичқон йилида тарихнинг етти юз ўттуз бешида толеи саратони шамсда ҳадиини аввал даражасида, далвни йигирма тўққуз даражасида эрди, иккала қирон. Ўзгалар бу воқеани шул бўлур дерким, қай вақт ҳар етти кавкаб толеи саратонда ҳади буржинда маъитда бўлса, қирон бўлурлар. Шундай вақтга ўғул вужудга келса, толеи масъуд ўлур. Шул соатда тангри таборак ва таоло оламни яратибдур. Ҳар фарзанд шу соатда таваллуд бўлса, онинг толеи охир умригача доимо иқболи масъуддир.

Айтибдурларки, уч ўғил шу соатда туғилди. Аввал Искандар Зулқарнайн ҳазратлари афандимиз, иккинчи Муҳаммад расул акром салоллоху алайҳи васаллам сайидимиз, учинчи Амир Темур Кўрагон хонимиз ва бегимиз, дерларким, таваллуди Искандардин таваллуди расул алайҳис саломгача саккиз юз йил, таваллуди расул алайҳис саломдин таваллуди Амир Темургача саккиз юз йил. Ҳар саккиз юз йилда кавокиб ҳади даражасида бўлгандурлар. Аммо соҳибқирон Амир Темурни оналари Тегина бегим моҳ дерларким, таваллуд маҳаллида захмат ва машаққат сира кўрмадим ўзга хотинлардек”.

Салоҳиддин Тошкандий.
("Темурнома", Тошкент: "Ўлпон", 1990, 49-бет).

1
Бохарзийнинг сабоғидан топдинг камол,
Бохарзийнинг ардоғида очдинг жамол,
Тегинамоҳ—Бухоронинг гўзал қизи.

Бахарзийнинг қабоғида кулгич эдинг,
Бохарзийнинг қароғида кўргич эдинг,
Тегинамоҳ—Бухоронинг асал қизи.

Бохарзийнинг садоғидан Кешга учдинг,
Тарағай-ла бахтинг кулиб орзу қучдинг,
Тегинамоҳ—Бухоронинг доно қизи.

Темурбекдек ўғил кўриб керилмадинг,
Дунёларнинг ҳавасига берилмадинг,
Тегинамоҳ—Бухоронинг она қизи.

Кечир, сени эслашмади узоқ замон,
Ўғлинг бирла этилгандинг-да қатағон,
Тегинамоҳ—Бухоронинг улуг қизи.

Биласанми, ўтган бўлса ҳам қанча вақт,
Садоқатин сақлади эл дилида нақд,
Тегинамоҳ—Бухоронинг қутлуг қизи.

Бунинг учун гина қилсанг арзир, бегим,
Зарур жойдан гина қилмоқ фарздир, бегим,
Тегинамоҳ—Бухоронинг жонон қизи.

Азиз номинг яна элга қайтди бугун,
Шараф-шонинг яна дилда байтдир бугун,
Бухоронинг юрт таниган жаҳон қизи.

II

Темурбекка она бўлмоқ осонмикин,
Осонмикин жаҳонгирга она бўлмоқ,
Шу ўғил-ла минг тирилиб, минг бор ўлмоқ,
Осонмикин, осонмикин, Тегинамоҳ?

Болаликдан сиғмади ул оламларга,
Эркни кўмсаб чидолмади аламларга,
Фақат эркдан сўз очди ул одамларга,
Ўғлинг ўзи жаҳонмикин, Тегинамоҳ?

Мўғул зулмин чекиб бағрин этди вайрон,
Юрт зоридан озорланиб бўлди гирён.
Ғанимларга қарши унда кўпирди қон,
Ўғлинг юртга қалқонмикин, Тегинамоҳ?

Мўғул ўчи бермади ҳеч ўғлингга тин,
Мўғул ўчи чиниқтирди ўғлинг кучин,
Мўғул ўчин кечиш унга бўлди қийин,
Ўғлинг элга дармонмикин, Тегинамоҳ?

Жангга кирди савалади, саваланди,
Ўвузларни тепкилади, тепкиланди.
Қўрқоқлару хоинлардан хафаланди,
Ўғлинг зулмга сармонмикин, Тегинамоҳ?

Юрт эрки деб адолатга сиғинди ул,
Юрт бахти деб фароғатга сиғинди ул,
Юртига чин тиловат-ла сиғинди ул,
Оллоҳдан ул фармонмикин, Тегинамоҳ?

Турк қавмини бирлаштирди, яктан этди,
Туркийларга иймонини ўзан этди,
Турк элига Туркистонни ватан этди,
Ўғлингми ул, армонмикин, Тегинамоҳ?

Темурбекка она бўлмоқ осонмикин,
Осонмикин жаҳонгирга она бўлмоқ,
Шу ўғил-ла минг тирилиб, минг бор ўлмоқ,
Осонмикин, осонмикин Тегинамоҳ?

III

Хар онанинг ўғил кўриш ҳаваси бор,
Ўғил туғиб савлат тўкиш ҳаваси бор,
Эл наздида иззат кўриш ҳаваси бор,
Сен ҳам ҳавас қилганмидинг, Тегинамоҳ?

Хар бир она ўғлим билан керилсам дер,
Оқ сут бериб меҳр билан термулсам дер,
Суюб-суюб бошларидан эврилсам дер,
Сен ҳам буни билганмидинг, Тегинамоҳ?

Тўй ниятин ўйламаган она йўқдир,
Келин излаб бўйламаган она йўқдир,
Шул орзусин куйламаган она йўқдир,
Сен ҳам шундай куйлабмидинг, Тегинамоҳ?

Сочи тол-тол таянчиғим, деганмидинг,
Лабида бол суюнчиғим, деганмидинг.
Орқамда қол, суянчиғим, деганмидинг,
Сен ҳам шундай ўйлабмидинг, Тегинамоҳ?

Бу жаҳонда ўғил кўрган она бисёр,
Қай бир ўғил донг қозонган, қайси дастёр,
Қайси сўтак, қайси номард, хиёнаткор,
Сен ҳам буни хўп биларсан, Тегинамоҳ?

Ўғил кўрган оналар кўп, бу ҳам бешак,
Ўғил кўрган оналар хўп, бу ҳам бешак,
Вале айт-чи, борми яна сендан бўлак,
Темурбекдек Амир тукқан, Тегинамоҳ?

САККИЗИНЧИ ҚҰШИҚ

НАЖМИДИН КАВКАБИЙ

“Убайдуллохон Хирот шахрини олгандан кейин форснинг у замонда энг буюк шоири бўлган Ҳилолийни ўлдирадир (ҳижрий 936 йили). Ҳилолийнинг ўлуми Эрон шоҳи Шох Таҳмосб шоҳ Аббос ўглига қаттиқ таъсир қиладир. Унинг ўчини олиш учун вақт кутади. Бу фожеадан уч йил кейин бизнинг Мавлоно Кавкабий Убайдуллодан рухсат олиб, зиёрат учун Машҳадга борадир. Шох Таҳмосб Кавкабийнинг келганини эшиткач, уни тутдирадир-да, Ҳилолийнинг қонини олган бўлуб, илмий, адабий қиймати Ҳилолийдан ҳеч кам бўлмаган бир Туркистон санъаткорини ўлдириб кўядир... (Кавкабийнинг бошини эрон шоҳига олиб келтирадирлар. Гавдаси Бухорога келтирилиб, Бозор навда “Имом Жунайд Фаззолий” мазорида кўмиладир)”.

Абдурауф ФИТРАТ.
“Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи”.
Тошкент: “Фан”, 1993, 46-бет).

Барваста мақомхоним,
Баржаста мақомдоним,
Мақомда битган шоним
Мақомда қотган қоним,
Во алам-о, во алам...

Куйларинг сафомидир,
Оҳангми, садомидир,
Ўтли вовайломидир,
Ё мунгли нидомидир,
Во алам-о, во алам...

“Раҳовий” рақаммиди?
“Рости”нг чин қасаммиди?
“Ироқ” пок бир ғаммиди?
“Ушшоқ” зўр аламмиди?
Во алам-о, во алам...

“Хижоз” да иймон топдинг,
“Бузрук” да макон топдинг,
“Исфаҳон” да жон топдинг,
Вола-ю ҳайрон топдинг,
Во алам-о, во олом...

Шоҳларга бўлдинг талош,
Лаҳадга кирдинг бебош,
Ҳасратда кетдинг ҳалош,
Дилларга ботдинг чун тош,
Во алам-о, во алам...

Дардли бир сабоқ бўлдинг,
Эл аро сўроқ бўлдинг,
Кўзларга қароқ бўлдинг,
Жонўртар фироқ бўлдинг,
Во алам-о, во алам...

ТУҒҚИЗИНЧИ ҚҰШИҚ АБДУЛЛОХОН ИККИНЧИ

“Мазкур мағфиратли хоннинг муншийси бўлган ва шу кунларда, яъни 1035 (1626) йилда ҳам яшаб турган Мирзо Мўмин мунший шундай деганлар: “Сарахс навоҳисида турган пайтимиз, бир кечаси Абдуллохон Ҳазратлари “Қаламни ол ва мен қурдирган хайрот биноларининг ҳаммасини—боғлар, мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, кўприклару работлар, ғарибхона, шифохоналардан тортиб барчасини қоғозга тушир-чи, сони қанчагача етган экан?”—деб қолдилар... Қисқаси, тонг отгунга қадар хон айтиб турдилар, мен ёзавердим. Айтишдан тўхтаганларида (Мовароуннаҳр, Туркистон, Хоразм, Хуросон, Фарғона, Ҳисор, Балх, Бадахшон) қурилганларнинг барчасини ҳисоблаб кўрсам, 8600 ва яна нечта ҳам бўлган экан. Шундан сўнг хон дедиларки, “Амир Алишер Султон Ҳусайн Мирзонинг навқари бўла туриб, ўзидан минг бир бинони хайр ёдгор қолдирди. Биз эсак подшоҳмиз, қурилиш сонини 10000 тага етказмасак, юрган эканмиз, подшоҳ бўлиб”. Ушбу йилдан сўнг хон саккиз йил умр кўрдилар ва ҳар йили янги-янги иморатлар қурдирдилар, ким билади, балки хон айтганидек, қурилган иморатлар сони ўн мингтагача етгандир ҳам”.

Мутрибий САМАРҚАНДИЙ.

(“Нусхайи зебойи Жаҳонгир” тазкирасидан).

* * *

“Абдуллохон II Бухорода 1577 йилдан бошлаб ҳокимлик қилган, 1583 йилдан то 1598 йилгача эса бутун ўзбеклар хони бўлган”.

А.А.СЕМЁНОВ.

* * *

“...Шайбоний султонлар ва феодалларнинг тожу тахт талашлари шу қадар кучайдики, на Абдулазиз ва на Абдулатиф кун сайин ўсиб бораётган феодал тарқоқликнинг олдини олишга ва феодалларнинг сепаратистлик ҳаракатига барҳам беришга қодир бўлолмай қолдилар... Абдуллохон фақат Бароқхон вафотидан (1556) сўнггина оғир, қонли курашлардан кейин ўз душманлари устидан ғалаба қилди ва Мовароуннаҳрни қисман бирлаштирди”.

Академик Б.АҲМЕДОВ.

Салтанатни қўмсовчилар беҳад, бисёр,
Лек салтанат ҳар кимсага қилмас вафо.
Салтанатни хор этганлар бўлади хор,
Вале кимки зийнатласа—қилар бақо.

Эй Бухоро, сенда даврон сурганлар кўп:
Қайси бири унутилди, изсиз кетди.
Қайси бири салтанатнинг кўрки бўлиб,
Элу юртни бирлаштирди, бахтга етди.

Тахтингни деб жангга кирган марди майдон,
Бахтингни деб аямаган ҳаттоки жон,
Номинг билан зўр салтанат тузганидан
Тарих ўғли бўлиб қолди Абдуллоҳон.

Абдуллоҳон йўл бермади заволингга,
Ва қолмади тарих аро уволингга.
Кўтартирди кўклар узра шарифлигинг,
Жамол қўшди хуснингга-ю камолингга.

Неки қилса—Амир Темур йўлин тутди,
Неки курса—Алишернинг кўлин тутди.
Мурид тушди Ҳожа Ислом эшонга-ю
Муслимликни маҳкам тутиб мудом ютди.

Фозиллар-ла тил топишиб кенгаш тузиб,
Шуаронинг дилин овлаб базмлар қурди.
Мушфиқий-ла хандалари¹ элда кезиб,
Ўлкаларни забт этгани отин сурди.

Зулм ўтказди қай бир элга ур-сурларда,
Эл оғзига тушди ҳатто бўлиб чистон.²
Нетонг, фалак раво кўрса тур-юрларда,³
Минг тирилиб ўлмоқликни қийнаб виждон.

1. Мушфиқий ва Абдуллоҳон муносабатларига дахлдор латифалар кўзда тутилаётир.

2. "Абдуллоҳон—беустихон" топишмоғи назарда тутилмоқда. Бургани яширган бу топишмоқда унинг зулмкорлигига кесатикли ишора бор.

Жангга кирса ҳайиқмади душманидан,
Чапдастлик-ла қилич сермаб ўйнатди от.
Ҳинд мулки-ю турк султонин яқин олиб,
Тужжорларни қувонтирди бериб қанот.

Гоҳ ютилди, гоҳ ютди Абдуллоҳон,
Юрт қадрини баланд тутди Абдуллоҳон.
Бухоронинг бағри бутун хони бўлиб,
Давронларни ошиб ўтди Абдуллоҳон.

II

АМИР АБДУЛЛОХОН ИҚРОРНОМАСИ:

—Амир бўлдим, вале Темур бўлолмадим,
шул армоним—бул ҳақ сўзим!
Юрт сўрадим, вале суқдан ўлолмадим,
хоҳишларга тўймас кўзим.

Амир Темур ўғлонлари бўлолмай эл,
ютқиздилар, ютқиздилар.
Салтанатни шайбонийлар қўлларига
тутқиздилар, тутқиздилар.

Биз Темурбек салтанатин тикламоққа
азм этдик, азм этдик.
Туркийларни Туркистонга жамламоққа
жазм этдик, жазм этдик.

Темурбек гар Самарқандни зийнатласа,
жаҳон аро, замон аро.
Ҳофиз сўзи¹ ҳурматига шарафимиз—
шул Бухоро, шул Бухоро!

1. Ҳофиз Шерозийнинг:

Агар он турки Шерозий ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро,—
байти кўзда тутилмоқда.

Биз ҳам курдик, вале Темур иморатин,
хеч бузмадик, хеч бузмадик.
Кўп юртларни обод қилдик, элини шод,
Бухородан дил узмадик.

Дил узмадик бул куббат-ул' исломдин хеч,
бунга гувоҳ—иймонимиз.
Бу очунда неки азиз—Бухородур,
Бухородур—виждонимиз!

ЎНИНЧИ ҚЎШИҚ АБДУРАҲМОН МУШФИҚИЙ (1538-1588)

“Мавлоно Мушфиқий Бухорода таваллуд топган ва ўша ерда кўмилган. Қасиданависликда уни асрининг Салмони дер эдилар. Ва ашъори ҳам аксаран турфа жилоларга бой...”

Амин Аҳмад РОЗИЙ,
(“Ҳафт Иқлим”дан).

“Мавлонийи мазкур истеъдодли шоир ва машҳур ҳазилкаш бўлиб, Туронда Абдуллоҳон валийлиги замонида Мовароуннаҳрнинг маликул шуароси даражасига кўтарилди”.

Дарвишали ЧАНГИЙ,
(“Тухфатул-сурур”дан).

I

Шоирларнинг сарвари,
Ҳазилкашлар ахтари.¹
Латиф сўзли, чин сўзли
Бухоронинг ахгари.²

Фазал битди фарёддан,
Қалбда ишқу имдоддан.
Тилиб ўтди бағрини
Улус чеккан азобдан.

Кулди-кулиб ўлдирди,
Сочин юлиб сўлдирди.
Адо бўлмади армони
Ўзи ўлиб-ўлдирди.

Кулди-кулиб сўлдирди,
Мағлуб бўлиб кулдирди.
Хандасига ўт бериб,
Ғолиб келиб юлдирди.

1. Ахтар—юлдуз.

2. Ахгар—чўғ, учкун.

Хандасининг ниши бор,
Ғажиб ташлар тиши бор.
Сўхта совуқ ноқасни
Урар сармон—қиши бор.

Кулгусида гул баҳор,
Кулгусидан ол рухсор.
Қаҳқаҳаси—чақмоқи,
Кулгусига дил хумор.

Кулиб-кулиб сўз укқан,
Жон суққанга жон суққан.
Элга сурур бағишлаб
Кўкси ичра ўт ёққан.

Ўтки—заҳар маддаси,
Ўтки—қаҳар зардаси.
Ўтки—дилни ўртайди
Оҳанглар сарпардаси.

Авжи баланд хандасин,
Мавжи каманд¹ хандасин.
Домга тушган фосиқни
Чиқарар шармандасин.

Хандонларнинг хандони,
Ханда мулкин султони.
Кулиб туриб жон олар,
Кулмоқ бўлди фармони.

Хандалари барҳаёт,
Хандасида сабр-сабот.
Хандасида эл дарди,
Хандасидир зар қанот.

1. Каманд—учига ҳалқа солиниб, ов қилиш ё душманни тутиш учун ишлатиладиган узун аргамчи.

МУЛЛО МУШФИҚИЙНИНГ ДИЛ ИЗҲОРИ:

—Ғазал ёздим, ғазаллар ёздим;
Ғазалимда кулар гўзал ёр,
Ғазалимда уфурар баҳор,
Бухоромни куйладим алқаб,
Ўтганимни ёздим—бахтга зор.

Ғазал ёздим, ғазаллар ёздим;
Элга иймон истадим унда,
Содиқ виждон истадим унда.
Ғуссалардан тўлғониб дилим,
Бахтли замон истадим унга.

Эллар кездим, элатлар кездим;
Лек юртимдек юртни кўрмадим.
Ўзга юртда даврон сурмадим.
Ҳиндда қутлаб Акбар султонни—
Тавоф этдим, аммо турмадим.¹

Девон туздим, девонлар туздим;
“Жаҳоннома”, “Гулзори эрам”,
“Соқийнома”—мазмуни алам.
Изтиробдан ҳарчанд тўзғидим
Ва лек гўзал туюлди олам.

Қасидалар битдим амирга—
Абдуллоҳон шаънин шарафлаб,
Юртни тиклаш аҳдин таърифлаб.
Бухорони қайта яшнатди,
Мозий аро шуҳратин алқаб.

2. Мушфиқий 1576-1579 йилларда Ҳиндистонда бўлиб, Акбаршоҳга махсус қасида бағишлаган.

Қасидалар битдим амирга—
Тузгани-чун буюк салтанат,
Салтанат-ки соҳиби қудрат,
Амир Төмүр руҳин шод этиб—
Абдуллохон соҳиби журъат.

Гоҳо кулдим ҳатто амирдан;
Хатоларин юзига солдим,
Жафоларин юзига солдим.
Кулиб-кулиб айтдим бетига
Ва барчасин кулгига олдим.

Кулгиларим бўлди латифа:
Нодонлардан сўйладим кулиб,
Золимлардан сўйладим тўлиб.
Қаҳқаҳага боқийлик истаб—
Қолдим ўзим латифа бўлиб.

ЎН БИРИНЧИ ҚУШИҚ

АҲМАД ДОНИШ

(1827-1897)

“Аҳмад Дониш Бухоро амирлигининг зулмат қоплаган осмонида энг ёруғ юлдуз эди”.

Садриддин АЙНИЙ.

“Аҳмад Дониш Бухоро шароитида ҳам Ўрта Осиёдаги янги тараққийпарвар тафаккурнинг машҳур намояндаси бўлиб етишди”.

Академик Иброҳим МЎМИНОВ.

АРАЗЛАРИМ ҚОЛМАС АРДОНА

Кимлар учун эдим Дониш
Кимларга Аҳмад калла.
Кимларгадир ёқдим, вале
Ёқтирмас аҳли салла.

Тингламади ботил замон,
Аразим унда бисёр.
Тушунмади гофил даврон,
Ғаразим унда бисёр.

Тингламас ҳеч ким арзингни,
На амири, шотири.
Қолмабди, оҳ, андишаси.,
Хавотири, хотири.

Эшитмаса надир чора?
Бундан ортиқ ўлим йўқ.
Илло, менинг ҳам улардан
Тортар қисик тилим йўқ.

Улар менга боқмаса гар,
Мен уларга боқдим тик.

Сўзда собит турдим, вале
Дардларим битик-битик.

Қай бирини тўкиб солай,
Қай биридан урай лоф:
Петербургда кўрганимми,
Қандайлигин ё Масков?

Ё зилзила сабаби не?
Тупроқ не? Недурур тош?
Ер мисли бир доира-ю,
Тутилар недин қуёш?

Ер арзини¹ кўрсатсам гар,
Ишонмади бирор жон.
Нодон элим, қачон келар
Буларни сен билар он?

Ё барини йўяرمىсан
Гуноҳу қилмишингга?
Ўз нонингга тўяرمىсан,
Қонаرمىсан ишингга?

Бухоронинг ери чанқоқ,
Сувга зор мўмин элим.
Амудан сув келтирмоқнинг
Кўрсатай осон йўлин.

Манғитларнинг тарихидан
Сўз қотдим ёна-ёна.
Хаттотликни ҳунар билдим,
Шеър битдим қона-қона.

Элга нодир воқеотлар
Сўзладим хумор-хумор.
Коиноту самовотлар
Сирларин очдим хушёр.

1. Глобус.

Ўзбакларнинг тўқсон икки
Уруғидан баҳс этдим.
Одабийлик муслимликда
Бўлганидан дарс этдим.

Хандасадан сабоқ айтдим,
Қуръондан айтдим калом.
Оҳ, ўзимдан ўзга мени
Англамади, вассалом.

Бухоро деб ўртандим-ей,
Ўртандим жон элимга.
Умрим бўйи юрт ғурури
Мадор бўлди белимга.

Даққиюнус бир салтанат
Элим бағрин қон этди.
Эркни бўғди ҳуқуқсизлик,
Равнаққа зиён етди.

Кимга айтай бу дардимни,
Амирлар бўлса ботил.
Кимга айтай ҳасратимни,
Кабирлар бўлса ғофил.

Ўрис мулкин тартиботин,
Таклиф этдим—кўнмади.
Тағин мени кофир санаб,
Билганилан тўнмади.

Мунча қаттол замон бўлдинг,
Мунча ғофил салтанат?
Армон бўлди уйғонишинг,
Кўз очганим мамлакат.

Нетай, араз бисёр менда,
Ўртайди дилим алам.
Қай бирини сўйламайин,
Фигонга келар қалам.

Армонларда ўтар бўлдим,
Қисматим бунча нигун.
Суронларда нетар бўлдим,
Исматим—бунча забун.

Майли, майли ўтмиш аро,
Армон бўлиб қолайин.
Оппоқ умид бўлиб қай кун
Қалбингга чўғ солайин.

ҲАМКАСАБАЛАРИГИНА ЭМАС, МОСКВА, САНКТ-ПЕТЕРБУРГДАГИ ШАРҚШУНОСЛАР ҲАМ ЮКСАК ҚАДРЛАГАНЛАР.

АБДУРАУФ ФИТРАТ

(1896-1938)

“Унинг ақлу заковатини Кавказ ва Волга бўйидаги ҳамкасабаларигина эмас, Москва, Санкт-Петербургдаги шарқшунослар ҳам юксак қадрлаганлар. 1924 йилда у Москва Шарқ тиллари институтида дарс берган, профессор бўлган. Афғонистон, Туркия, Эрон илмий-адабий доираларида ҳам унинг мавқе-мартабаси баланд бўлган. Мамлакатда “ички душманлар”ни фош қилиш васвасаси авж олиб, халқнинг асл фарзандлари бир четдан териб қатагон қилинаётган бир пайтда хориждаги илм-маърифатнинг қадрига етувчи ишбилармон ҳомийлар даъватномалар ёзиб, уни ишга таклиф этганларида бормади. Ҳар қандай ҳолда Ватани, халқи билан бирга бўлишни лозим билди. Ҳолбуки, у инқилобдан кейинги икки миллион муҳожирнинг бири бўлиши мумкин эди. Сўнг 20-йилларда, ҳатто 30-йилларда ҳам унинг имкони бор эди. Бироқ Ватан уйғуси бунга йўл бермади, Мавжуд тузум—ҳукмрон ҳарбий маҳкамачилик мажбурияти эса уни ўзи муқаддас тутган халқи, Ватани номидан қатл этди...”

Профессор Бегали ҚОСИМОВ,
("Шарқ юлдузи", 1992, 10-сон, 170-б.).

“Мен қўлимга топширдигинг
Қилични ташлаб,
Чолғуни олмаса эдим—
Туроним таланмас эди.
Мен ёлғиз кўз ёшларимни
Бу сағанангга тўкмак учун эмас,
Ўз ёзуқларимни
Икрор этарга келдим, ҳоқоним”.

Абдурауф ФИТРАТ.

“Фитрат... 1921 йилда Бухородаги меҳмонхонасида Чўлпон шарафига берилган зиёфатда Шарифжон қозининг

(Бухоронинг тараққийпарвар кишиларида, қозикалон ҳам бўлган, 1918 йилда амир қамоққа олган эди) ҳақли эътирозларига жавобан: “Ахир биз бунақа инқилобни истаган эмасмиз, тақсир,”—дейди. Ва бу гап машъум 37-йилда жиддий айблов бўлиб ишга тиркалади.

Профессор Бегали ҚОСИМОВ,
("Шарқ юлдузи", 1992, 10-сон, 174-б.).

ЎКИНЧ

Алдагани бола яхши,
Ёки содда хола яхши.
Олам таниб мен алдандим,
Бўлақолдим нолабахши,
Оҳ, алдандим, алдандим-о!..

Алданмоқ-ку бирам осон,
Хом сут ичган ахир инсон.
Озодликни ҳавас айлаб
Адашдим ман—ғофил инсон,
Оҳ, алдандим, алдандим-о!..

Кимдан ўзи сўрдим мадад!?
Билардим-ку неча адад
Юртимга кўз тикканини.
Яна унга очибман ҳад...
Оҳ, алдандим, алдандим-о!..

Алданиб тушдим тузоққа,
Етмади ақлим узоққа.
Энди алдов ўти аро
Ёнарман ўртаб фироққа,
Оҳ, алдандим, алдандим-о!..

О... алданиб қилдим хато,
Жароҳати—юртга жазо.
Не қилдим-о, нелар қилдим!?
Ўйлаб-ўйлаб бўлдим адо,
Оҳ, алдандим, алдандим-о!..

Юрт исмати—эмас ўйин,
Юрт қисмати—эмас ўйин.
Севиб-севиб шу элимни
Бериб қўйдим боғлаб бўйнин,
Оҳ, алдандим, алдандим-о!..

Олимхонга қилдим кина,
Ўз жонимга сукдим игна.
Большовойдан мадад истаб,
Эрк остига қўйиб мина,
Оҳ, алдандим, алдандим-о!..

О... Эшонжон, жон Эшонжон¹.
Панд бердими бизга армон!
Шаън ортидан қувдик, вале
Юрт қақшади, эл қусди қон,
Оҳ, алдандик, алдандик-о!

Эрк дегани чикди сароб,
Бухорони этдик хароб.
Тушов бўлди эрки элга,
Сархуш этди мисли шароб,
Оҳ, алдандик, алдандик-о!

Қаламларим чекди фарёд,
Аламларим чекди фарёд.
Турон мулки султониға
Алданганим этдим имдод,
Оҳ, алдандим, алдандим-о!..

Туронингни этдик хазон,
Турк элини этдик тўзон.
Ёғийларга кулиб боқиб
Ўзимиз-да куйдик чунон,
Оҳ, алдандик, алдандик-о!

Кечир, ўзинг Темур Султон,
Бўлмасак биз бунча нодон.

1. Эшонжон—Файзулла Хўжаевни эркалаб, шундай ном билан ҳам атар эдилар.

Талатмасдик Туронингни,
Бўлинмас эди Туркистон,
Оҳ, алдандик, алдандик-о!

Шум кўргулик, толе бўлиб
Манглайимга битганмидинг?
Орзуларим барин юлиб
Аждаҳодай ютганмидинг?
Оҳ, алдандим, алдандим-о!..

Алданганим англаганда
Кечиккандим, афсус, афсус.
Алданганим ўкинчидан
Ёндим-да қотдим неча сўз
Оҳ, алдандим, алдандим-о!..

Сўзларимдан чақин чақди,
Кўзларимдан сел хун оқди.
Бошим тикдим эрк йўлига
Порлаб дилда умид балқди,
Оҳ, умидим, алдама-ё...

Умидларим—учқур Хумо,
Хурлар ичра пурнур Хумо.
Хур Ватан—сен армонимсан,
Бошим узра чарх ур, Хумо!
Кел, уча қол, сасларингдан
Уйғонайин чекиб сафо!

ИНТИҲО

Фалак, гардуни дунингда
Қойим ўн икки буржинг бор.
Фалак, ўн икки буржингда
Жавоҳир тўла дуржинг¹ бор.

Фалак, кўкинда юлдуз кўп,
Сочар кўк узра нур Зухро.
Вале ўн икки юлдузли
Бизим байроқни кўр, дунё!

Фалак, бағрингда кўп асрор,
Маним қалбимда дард бисёр.
Бухоро—дарди сўзоним,
Саодат мангу бўлсин ёр.

Ажаб ўн икки дарвоза—
Бухоро хусни зебоси.
Ажаб ўн икки зол жони—
Бухоро ақлу закоси.

Ажаб ўн икки фарзанди—
Бухоро ори, номуси.
Ажаб ўн икки дилбанди—
Бухоро ори, қомуси.

Ажаб ўн икки бу рангда
Бухоро жилва кўргизди.
Ажаб ўн икки бу сангда
Бу тарих қайта ўқ узди.

Бир ўқки, ўқи вовайло,
Замон бағрига чок солмиш.
Не рангки, ранги ҳувайдо,
Иниб қалбларга ўт солмиш.

1. Дурж—хуққа, жавоҳирлар сақланадиган сандиқча.

Бухоро давру доврүкли,
Хунарли элга соҳибдир.
Шарифлик узра дунёда
Каъбага нурли ноибдир.

Бухоро шаъну савдоси
Мунаввар этди оламини.
Бухоро гулу ғавғоси
Сарбасар этдин оламини.

Не нола дилни ўртайди,
Фирокда ёнди—сўз ўлди.
Бухорийларни достони
Туганди ушбу сўз бўлди!

**20 июнь, 1995—
2 февраль 1997 йиллар.**

БУХОРОЙИ ШАРИФ.

МУНДАРИЖА

Бағишлов.....	3
1. Туркон хотун.....	5
2. Имом Исмоил ал-Бухорий.....	10
3. Исмоил Сомоний.....	13
4. Абу Бакр ан-Наршахий.....	16
5. Абу Али Ибн Сино.....	20
6. Маҳмуд Торобий.....	24
7. Тегина Бегим Моҳ.....	27
8. Нажмиддин Кавкабий.....	31
9. Абдуллохон Иккинчи.....	33
10. Абдурахмон Мушфиқий.....	37
11. Аҳмад Дониш.....	41
12. Абдурауф Фитрат.....	45
Интиҳо.....	49

Охунжон Сафаров.
"Бухорийлар ёхуд ўн икки юлдуз ҳақида қўшиқ".
Бухоро, 1999. 52 бет.

Техник муҳаррир Қ. Камолов.
Мусаввир А. Маҳмудов.

Босмахонага берилди 10. 12. 98й. Босишга рухсат этилди
19. 01. 98 й. Бичими 60x84/16. Шартли босма тобоғи 3,0. Нашр
тобоғи 3,1. Жами нусха 1000 дона. Буюртма 4205. Баҳоси
келишилган нархда.

"Бухоро" нашриёти. Бухоро шаҳри И. Мўминов кўчаси, 27.
Вилоят босмахонаси. Бухоро шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 27.

